

ЖАМЛИК СУЗВИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 июнь, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 117 (1119)

ҲАМКОРЛИК КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ



СУРАТЛАРДА: кутиб олиш пайти ва Президентларнинг яккама-якка учрашуви.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бугунги кунда ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг нафақат МДҲ доирасида, балки ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосидаги икки ёқлама муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён борган сари янгича кўлам касб этаётди. Хусусан, Ўзбекистон билан Украина ўртасида йўлга қўйилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалар бунга яққол мисолдир.

Икки давлат ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик аъёнана кўчур илдизга эга. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ўтган йили Украинага қилган сафари эса ушбу муносабатларни мустаҳкамлаш, уни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Сафар натижаси ўлароқ, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик борасида кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Айни пайтда эса республикамиз халқ ҳужжатининг турли соҳаларида Ўзбекистон билан Украинанинг талай қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

20 июнь кuni Украина Президентини Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи иқтисодий ҳамкорлик борасида шу қисқа давр ичи-

да амалга оширилган ишларни яна бир бор сарҳисоб қилиш, унинг ижобий жиҳатларини ривожлантириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Тошкент аэропортининг муҳташам биноси пештоқида Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Украина Президенти Леонид Кучма ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

Хар икки давлат Президентлари шохсупага кўтарилдилар. Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳароқ, икки давлат Президентлар миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Сўнгра хар икки мамлакат Президентларининг расмий делегациялар аъзолари билан танишув маросими бўлиб ўтди.

Шу ерда меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан танишдилар.

Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қўлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкент кўчаларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳилпирайди. Халқлар дўстлигини улуғловчи, меҳмонларни олқишловчи шорлар кўчаларга байрамона руҳ бағишлаган. Меҳмонларни кўлаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари делегациялари аъзолари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабулхонасига ташрифи қабуллари уйига ташрифи

буюрдилар. Бу ерда ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида фан ва технология, соғлиқни сақлаш, маориф, сайёҳлик, спорт соҳаларида ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ва элчионалар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўзаро ҳал этиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ҳукуматлараро битимларни Ўзбекистон ҳукумати номидан республика Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов, Украина ҳукумати номидан мамлакат Бош вазири ўринбосари С. Осика, В. Шаров, Украина ички ишлар вазири В. Радченко имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Шу кuni пойтахтнинг «Халқлар дўстлиги» саройида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

— Сиёсатшунослар собиқ Иттифок ҳудудида вазиятнинг қандай ривожланиши кўп жиҳатдан Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг қандай тараққий этишига боғлиқ, деган фикрни билдирмоқдалар. Мен бу фикрга тўла қўшиламан, — деди Президент Ислам Каримов. — Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш гоёат муҳимдир. Бу халқларимиз манфаатларига бирдек мос келади.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш хусусида сўзлар экан, ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларига алоҳида эътибор қаратди.

Украина Президентини ўз мамлакатини Марказий Осиё ҳудудида муҳим ўрин тутган Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкор деб билишини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президентининг ўтган йил кузида Украинага расмий ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига янги куч бахш этди, — деди жумладан Президент Л. Кучма. — Олий даражадаги ташрифлар чоғида имзоланган ва икки мамлакат расмий делегацияларининг бугунги музокаралари

ри низоҳида қабул қилинажак ҳужжатларнинг амалга таъбиқ этилиши халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Ўзаро музокаралардан сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённома-ни ҳамда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳақидаги шартномани имзолادилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларга ўзаро музокаралар якуни хусусида сўзлаб берди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шу кuni Ўзбекистон Президентини ва унинг рафиқаси «Наврўз» тантаналар уйида олий даражали меҳмон ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

Украина Президентини Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРЛАРИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ларзасиз кенаётганлиги, демократик ўзгаришларнинг ривожига кўплаб хорижий давлатлар томонидан эътироф этилаётганлиги, Парламентимиз яратган қонунчилик базаси демократик фуқаровий жамият барпо этишга хизмат қилаётганлиги ва энг муҳими, бу жараёнларнинг барчаси республикада тинч ва осойишталикни сақлаб қолган ҳолда амалга оширилаётганлиги — Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан дадил одимлаётганлигидан далолат беради. Тошкент вилоятидан сайланган Олий Мажлис депутatlари, Тошкент вилояти кенгаши депутатлари ва фаоллари йиғилишида ана шулар ҳақида атрофлича суҳбатлашилди. Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рўзиев олиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов ушбу масалалар хусусида атрофлича тўхталиб, янги депутатлар корпуси ўз фаолиятларини айнан шу мақсадларга қаратганликларини қайд этди. Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолияти ҳақида гапириб берди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ БЕРАДИЛАР

Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг сайловчилар олдидан ҳисоботларини тайёрлаш ва ўтказиш масаласига бағишланган семинар-кенташ бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сирдарё вилоятидан сайланган депутатлари, вилоят кенгаши ноиблари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисининг ўринбосари Б. Бугров семинар-кенташга сўзга чиқди.

Семинар кенташда вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов қатнашди.

(ЎЗА).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Янгиер — қўшқарлар шаҳри. Кейинги йилларда уни етарли равишда ичимлик сув билан таъминлаш долзарб муаммо бўлиб қолган эди. Республика Президентининг аҳдоини ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги Фармонини келиши бу бордаги ишлар тезлашди.

Бундан 2,5 йил муқаддам Сирдарё вилоятининг Сайхонбод тумани ҳудудида жойлашган Деҳқонобод қавсаидан чиқадиган тоза сув Гулистон шаҳрига келтирилган, уни Янгиер шаҳри томон оқизиш масаласи кўйилди. «Мирзачўқурилиш» иختисослашган жамланмаси қурувчилари 32 километрлик масофага қувур ётқизиш ишларини амалга оширди. Айни пайтда шаҳарда кучли насос станцияси ҳам қуриб битказилди. Келгусида бу ердан қўшни Меҳнатобод, Ховос ва Бобўят туманларига ҳам ичимлик сув узатилади.

Янгиерга сув келиши муносабати билан кўп кишилик минтиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков минтигда нутқ сўзлади.

Ховос туманидаги тоғ ёнбағирлари ва қир-адирларда ми-

нглаб гектар лалми ер, ўнлаб қишлоқлар бор. Бундан икки йил муқаддам туманининг «Ховос» ва Тимирязов номидаги жамоа ҳўжалиқларига сув чиқариш ишлари бошлаб юборилган эди. Режага асосан, 4 та насос станцияси ўрнатилиб, салкам бир километр юқорига сув чиқариш мўлжалланган. Бу 4 минг 800 гектар ерни ўзлаштириш имконини беради.

И. Жўрабеков мазкур насос станциялари ишоотлари қурилиши билан танишди. Битказилган 2-насос станциясининг ишга туширилиши муносабати билан Чанговул қишлоғида бўлиб ўтган йиғилишга сўзга чиқди.

Маазур тадбирларда вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов иштирок этди.

(ЎЗА).

• ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНДИ

Маълумки, кўшни Ҳиндистон давлатининг Ҳайдаробод шаҳрида «Ҳиндистондаги Бобурийлар жамияти» деб аталувчи жамоатчилик ташкилоти фаолият кўрсатади. Ҳз таркибиде Бобур Мирзонинг бугунги авлодларини бирлаштириш мазкур жамиятга Ҳиндистондаги сўнги Бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси Бегим Лайло Уммахоини расмлик қилади. Жамият халқларимиз ўртасидаги маданият ва дўстлик алоқаларини янада

Жаноби олийлари, Ассалому алайкум! Хасталикдан сўнг ҳали тўла қувватга қирмаган бўлсам-да, фурсатни нағимат билиб, Сиз, муҳтарам зотта ушбу мактубни битмоқчиликка жазм қилдим. Ўзбекистон дидарида ижтимоий, маданий, иқтисодий ва фан-техника соҳасида улкан ислохотлар ўтказиб, қисқа муддат ичида уни тараққий топган давлатлар даражасида юксалтиришга бел боғлаган Сиздек заковатли инсонга мактуб йўлламақ бaxтига ноил бўлганимдан бекхёё шодман.

Буюк жаҳонгир Заҳириддин Нуҳмад Бобурийнинг зурриети сифатида иқтисодий жиҳатдан ноҳор аҳволга тушиб қолган Бобурийларнинг бугунги вакиллари бўлмиш ҳонадонимиз аҳлига кўрсатаётган мадд ва кўмакларини биз

ривожлантириш борасида бир қанча муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Бобурийлар жамиятининг раҳбарлари Бегим Лайло Уммахоини ва унинг ўғли жаноб Зийевдин Тусейпини мамлакатимиз Президентини билан мулоқотлари кенз жамоатчиликка маълум. Кўни кенз Ҳайдарободдан келган ушбу мактубда муҳтарам онахон бетов бўлиб қолган чоғида Президент Ислам Каримов томонидан кўрсатилган муруват ёрдами учун самимий миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз ва халқимиз хусусида дил сўзларини изҳор қилади.

ғоят юксак қадраймиз. Хусусан, фарзандларимизнинг Ўзбекистонда олий таълим олишлари борасида Ўзбекистон Олий таълим вазирлигига тегишли кўрсатма берганингиздан воқиф бўлиб, беҳад таъсирландим ва Сизга юрак-юрагимдан ташаккур изҳор этаман.

Жаноби олийлари, Сизнинг нафақат ҳазрат Бобур шахсиятига, балки унинг зоти-зурриятларига нисбатан ҳам чин эҳтиромли муносабатингиз учун бениҳоят миннатдорман.

Яратган Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайманки, ота-боболарим юртидаги ҳар бир тош, ҳар бир қум зарраси гуллаб-яшнаган чечакка айлансин ва бу гулзор чаманда элу элатлар, миллатларнинг дўстона ҳамкорлиги қуф урсин. Ишончим комилки, гузал дидерин-

МУЗЕЙГА ТАШРИФ

20 июнь кuni Украина Президентининг рафиқаси Л. Кучма хоним Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Т. Каримова ҳамроҳлигида Ўзбекистон амалий Санъат музейига ташриф буюрди. Бу ерда намойиш қилинган халқ хўнарамдчилиги усталари ясаган буюмлар меҳмонда катта таассурот қолдирди. Л. Кучма хоним Бухоро, Самарқанд ва Тошкент чеварлари тик-

кан ва бутун дунёга донги кетган сўзаналарга, ўзбек халқ усталари ясаган нозик заргарлик буюмлари ҳамда нақшиларга юксак баҳо берди. Хоразмлик усталарнинг ёғочга уйиб ишлаган нақшлари ҳам олий мартабали меҳмонда қизиқти уйғотди.

«Ўзбекистон халқ санъати намуналари билан та-

нишиб, ўзбек хўнарамдларининг қўли гул эканига амин бўлдим», деди Л. Кучма хоним музей экспонатларини кўздан кечириб бўлгач.

Шу кuni Л. Кучма хоним «Зарафон» фольклор ансамбли иштирокидаги концертни томоша қилди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 20 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи эга бўлган ун учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 16,67 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 29,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 21 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйилган қийматини белгиледи. *)

Самимий эҳтиром ила,
Бегим Лайло УММАХОНИ,
Ҳайдаробод шаҳри,
Ҳиндистон Республикаси.

10 Бельгия франки	10,25
1 Голландия гульдени	18,81
10 Греция драхми	1,30
1 Дания кронаси	5,39
1 АҚШ доллари	29,40
1 Миср фунти	8,65
1 Ирландия фунти	48,00
1 Исландия кронаси	0,47
10 Испания песети	2,42
100 Италия лираси	1,79
1 Канада доллари	21,29
1 Швейцария франки	98,41
100 Ливан фунти	1,81
1 Германия маркаси	21,06
1 Норвегия кронаси	4,73
10 Португалия эскудоси	2,00
1 Сингапур доллари	21,08
1000 Туркия лираси	0,68
1 Финляндия маркаси	6,86
1 Франция франки	6,00
1 Швеция кронаси	4,06
1 Швейцария франки	25,41
1 ЭКЮ	38,87
10 Япония сенаси	3,47
1000 Россия рубли	6,22
1 Эстония кронаси	2,63
1000 Украина карбонаси	0,21
1 Латвия лати	57,42

1 Литва лити	7,35
1 Қозғистон тенгеси	0,46
1 Молдова леи	6,46
1000 Беларусь рубли	2,56

Марказий банк 1995 йил 21 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйилган тижорат қийматини белгиледи:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,40 сўм.

— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,40 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан во-сита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Наманган вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг якуни ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳожама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими Б. Рашидов оқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов кун тартибидеги масала юзасидан мазкур қилди.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ УТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 1995 йил 18 июнь кuni 49-Избоскан сайлов округида бўлаб қолган уринта Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 42270 сайловчидан 41998 таси ёки 99,4 фоиз иштирок этди. Шулардан 41870 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,7 фоизи Анзхон Қўмов номидаги ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида 49-Избоскан округ сайлов комиссияси тақдим этган баёни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги республика қонунининг 11,46-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 1926 йилда тутилган, Ўзбекистон Фанлар академияси Кулёмов институтини директори, академик, Ўзбекистон Миллий тилкани партиясининг раиси Анзхон Қўмовнинг Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олади.

Долзарб мавзу
ТОШҚУРҒОН — САЙЁХЛАР ИЗЛАГАН МАКОН

Альпинизм бўйича спорт устаси, географ И. Назоров билан мулоқот
— Спорт оммавий тус олаётганига дубайи дол қолдириш мумкин, дейишди. Яъни шундагина энг юксак маҳоратли рекордчилар, кучли спортчилар етишиб чиқади. Туризм спортни оммавийлаштиришни ўзига хос боқичи эмасми?

— Жуда тўғри. Спорт қачонки оммавий тус олса, юксак натижаларни қўлга киритиш мумкин. Шу мақсадда бунёд этилган Чимён спорт мажмуи ҳозир ушбу хайрли ишга тўла қизилат қилаётти, деб бўлмади. Катта харажатлар билан қурилган учта тўққиз қаватли меҳмонхона йилнинг кўп пайти бўм-бўш бўлиб ётади. Бу ерда шароитлар қониқарли даражада эмас.

Угом-Чотқол миллий боғини олайлик. Унинг яқин атрофида яшаётган одамлар шахсий молларини боғ ҳудудида боқадилар. Қумир ва бошқа ёқилги ашёлари етишмаслиги сабабли, дарактлар кўплаб кесилди. Бу жойга туристлар, альпинистлар, тоғ ишқибозлари ва дам олишни хоҳловчиларга ҳамма вақт ҳам рухсат берилмаётгани. Шундай англашловчиликларга чек қўйиш учун, менимча, туристлар ва сайёҳларнинг ҳаракатини тартибга солиб турувчи дастур ишлаб чиқишда ва жамоатчилик муҳокамасидан кейин қабул қилиниши лозимга ўхшайди.

Аслида, биз Чимён ёки Чотқол билан чегараланиб қолмаслик керак. Негаки, ўлкамизда сахий табиат кўли билан яратилган бетимсол гўшалар кўплаб топилди. Биз ҳозиргача Помир, Тянь-Шань, Кавказ тоғларининг чўққиларини нишонга олиб келдик. Мана, Ўзбекистон ҳаритасига назар солсангиз, Ҳисор тизма тоғларининг жанубий қисмида ҳали кашф қилинмаган, қалам етмаган ажойиб масканлар борлигининг гувоҳи бўласиз. У ерда бой ўсимлик дунёси ва ҳайвонот олами мавжуд. Табиатнинг тақдорини маъънавийлар — жилгалар, сойлар, диназвор излари, силри горлар, тарихий меъморилик ёдгорликлари ўз томошабинларини кутиб ётибди. Гап Яқкабоғ тумани ҳудудига Тошқўрғон қишлоғи ҳақида кетаяпти.

— Сиз Тошқўрғон қишлоғини табиат яратган ноҳир спорт нишоғи, деб кўп такрорлайсиз. Шу фикрингизни батафсилроқ изҳолсангиз.

— Атрофини баланд тоғлар ўраб олган бу қишлоқ табиатан хайрли ишларга мўлжалланганга ўхшайди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда. Фарба 2905 м., шимолда 3447 м., шарқда 2976 м. баландликдаги чўққиларнинг умумий манзараси худди анфитеатрни эслатади. Жануб тарафда 3000—3900 м. баландликдаги чўққилар қураб олган худуднинг куйисидан аздалан одамлар яшаб келган макон жойлашганки, у улкан цирк майдонининг марказини эслатади. Ана шундай табиий мутаносиблик бу ерда кўплаб спорт нишоғлари куриш имконини беради. Урам ҳавасининг тўғри кесими 13 км., кўндаланга 22 км. Ҳар тўрт-олти км. да нисбий баландлик минг метр атрофида ўзгариб боради. Бу эса сирт бўйлаб тезкор ҳаракат қилиш имконини беради. Ҳаванинг шимойий қоялари арчазор ўрмонлар билан қопланган, жануб томони эса яланглик. Воҳанинг пастиди Қизилсув дарёси оқади. Урамни баланд тоғлар қураб олгани туфайли иқлимнинг қишда ҳам изғиринли бўлмаслиги, октябрь-май ойларида худуднинг сизира қор билан қопланиб ётиши бу ерда қишки спорт турларини ривожлантириш имконини ҳам беради. Ер тузилиши тоғ чангиси, фристайл, хели-ски, коньки ва чана, ҳатто фигурали учиб бўйича машқлар ўтказиш жуда қулай. Ёзда футбол, енгил атлетика, теннис, велоспорт, қояга чиқиш, парашют ва тоғ спортининг туризм ва альпинизм турларини йўлга қўйиш имконини беради. Агар барча қулайликларга эга бўлган база ташкил қилинса, ҳар қандай футбол командаси 2000 метр баландликда машқлар ўтказиш учун ташриф буюришни жон-диҳдан истайди. Ана шундай дастлабки тавсифлар бу жойда узоқ келажакка мўлжаллаб, хайрли ишларни амалга оширишга даъват этади.

ҲАКИМ САТТОРИЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ спорти

Ватан довуғини дунёга ёйётган спортчиларимиз ҳақида гап кетар экан, уларнинг маълум қисми олис қишлоқлардан етишиб чиқаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўзга туманларга нисбатан Оқдарёнинг шухратини баланд, деб бўлмайди. Лекин маъзур туманининг полволлари — кураш йигитлари унга шухрат келтирмоқда.

Дастлаб 80-йилларда Оқдарёнинг олис бир қишлоғида туғилиб вояга етган Илҳом Олтибоев кураш гиламида пайдо бўлди. Самарқанд давлат университетиди ўқиб юрган кезлари у бир қанча нуфузли мусобақаларда қатнашиб муваффақиятга эришди, спорт устаси бўлди.

— Спорт, менинг назаримда, нанки саломатлик манбаи, балки у оламни иродали бўлишга, шижоатга ундайди, — деди у. — Бизнинг изма-тимизни — миллияни иштини спортдан айри тушуниб бўлмайди. Ходимларимдан спортнинг ўзлари қизиққан турлари бўйича жисмоний машқларни мунтазам олиб боришларини талаб қиламан. Кураш масаласига келсак, мен курашни жисмонан ва руҳан камолот манбаи, деб тушунаман...

Илҳом Олтибоевнинг изидан бир неча йил ўтиб, Янгикўрғон қишлоғидан Ўқтам Мажлис ўттишиб чиқди. У ёшлар ўртасида собиқ Иттифоқда, кўплаб халқаро мусобақаларда голиб бўлди. Омади юришмади — республика жисмоний тарбия институтига ўқишга киролмади. Шундай бўлса-да, спорт устаси Ў. Мажлис курашдан кўнгил узиб кетмади. Ўқтам ҳозирги кунда янгикўрғонлик бўлажак



Ўқтам Мажлис

спорт устаси Наврўз Усмонов ҳозир Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 4-курсиди ўқимоқда. Оқдарёлик яна бир полвол Вохид Темиров ўтган йили Қозғистонда ўтказилган халқаро турнир голиби бўлганди. Эркин Худойкулов эса Ўзбекистон биринчилигида бир неча бор совриндор

даги қатъиятлик, машқлардаги қийинчиликлардан чўчи-маслик каби хислатлар таҳсинга сазовордир. Масалан, Зокирда курашчиларга хос бўлган шижоат, қарқонлик ва ирода, хуллас, барча фазилатлар етарли, — дейди Самарқанд вилоят олимпия уринбосарлари тайёрлаш билим юрти мурабийси Саттор Тагиев. — Унинг истеъдодига тошкент-

лик мутахассислар ҳам юқори баҳо ўратмоқда. Шунинг учун ҳам З. Мамараҳимовни Ўзбекистон терма жамоасига бир овоздан қабул қилишди. Амиманки, Зокир халқаро мусобақаларда ниҳоятда муваффақиятли қатнашди, бизнинг ишончимизни, меҳнатимизни оққайди...

Хуллас, Оқдарёда полволлар сафи кенгайиб бормоқда. Мен айримлари ҳақида тўхталдим, холос. Хўш, Оқдарёда Алпомишларни ким тарбия-ляпти? Нега айнан шу туман кураш мактабининг довуғи баланд? — Самарқанд курашчилари оқдарёлик йигитлариз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори Муҳаммад Гофуров ва Ўзбекистонда хизмат қўрсатган мурабий Урол Зиёевнинг хизмати беқўёс, — дейди Самарқанд вилоят олимпия уринбосарлари тайёрлаш билим юрти бош мурабийси, Олий тои-

ОҚДАРЁ АЛПОМИШЛАРИ


ўринларни эгаллаган. Эркин эндигина 20 ёшга қадам қўйди. Демак, унинг келгусида янада юқоридақ кўрсаткичларга эришишидан умид қилса бўлади. Бу полволлар ортидан улағайиб келаятган ўсмирлар ҳам ҳозирламоқ яхши натижаларга эриша бошладилар. Масалан, Зафар Гофуров ўтган йили ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди, спорт устаси талабини бажарди. Зокир Мамараҳимов эса шу йил апрель ойда Андижонда ўтказилган Ўзбекистон III болалар спартакиада-сида бош совринни қўлга киритди ва республика ёшлар терма жамоасига қабул қилди. Энди у терма жамоа сафиди ўсмирлар ўртасида ўтказилган жабон биринчилигида ва халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб гиламга чиқади. — Оқдарёлик йигитлар-

АБАЙГА ҲУРМАТ

Юнеско қарори билан буюк қозоқ халқининг шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев тавалудининг 150 йиллиги умумжаҳон миқёсида кенг нишонланяпти.

Унинг довуғи кўҳна ва навқирон Жиззах воҳасига ҳам етиб келди. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида ажойиб мулоқотлар, ижодий кечалар ўтказилмоқда. Шундай талбирлардан бири Жиззах педагогика билим юртида бўлиб ўтди. Мажиди мушоира уюштирган талабалар Абай шеърлари орқали қардош қозоқ халқига ўзбекона калом ила ҳурмат изҳор этдилар. Айниқса, Зафаробод туманидан келган Ў. Турмаганбетов бошлиқ 4-ўрта мактабининг қозоқ болалари намойиш этган адабий композиция ҳаммага манзур бўлди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Чакка (сузма) - бу ҳар дардга даво!
Ивсон организмга энг керак бўлган, ўнаб турдаги оқсиллар ва витаминлар фақат Чаккада мавжуд. Ибн Сино жигар, қон ва бошқа касаликларни даволашда энг биринчи табиий дори сифатида беморларга тезроқ тузалиши, соғ одамларга касал бўлмаслиги ва рангининг тиниқ бўлишини хоҳайдиганлар учун ҳар куни истеъмол қилишни тавсия этган.
Халқимиз асрлар давомида Чакканинг фойдали тарафини билган ҳолда сузма, қурт, айрон, ёвгон ҳўрда ва бошқа хил таомлар сифатида истеъмол қилганлар.
Чиройли, кучли ва ёш бўламан десангиз, ҳар куни Чакка (сузма) истеъмол қилинг. Доимо дастурхонингизда Чакка бўлишини унутманг. "Гўшгусангоат" фирма дўконидан ва барча сут комбинатларидан исталган миқдордаги Чаккани хусусий ва жамоа савдо дўконлари, фирмалар ва бошқа ташкилотлар олишлари мумкин.
Телефон: 90-69-50, 44-33-19, 44-29-21, 72-05-80.

Технологияни оқилона ташкил этиш, электр ускуналарини такомиллаштириш. Корхоналардаги ва кўчалардаги электр ёриткичларни, реклама қурилмаларини ва қтида ўчириб қўйиш. Ускуналарга тўла қувват бериш, унинг қуруқ ишлашига йўл қўймаслик.
Корхоналарда электр қувватини тежашнинг асосий йўналишлари—ана шулар
Тежалган бир киловатт—соат энергия 2 сўмни, бир квт қувват эса бир йилда 2324 сўмни иқтисод қилади!
Ўзнергоназорат.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ 1995/96 ўқув йили учун қабул эълон қилади
Мутахассисликлар бўйича: халқаро муносабатлар, халқаро журналистика, халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабатлар.
Абитуриентлар 20 июндан 7 июлга қадар қабул комиссиясига кўйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:
Урта (урта махсус маълумоти ҳақидаги) ўртача бали 4,6 дан кам бўлмаган аъло ва яхши баҳоли шаҳодатноманинг асл нусхаси, 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома, шунингдек, истекомат жойидаги тиббий муассасанинг ВКМ хулосаси, 3х4 ҳажмидаги 3 дана фотосурат топширилади.
Паспорт, ҳарбий мажбуриятга алоқадорлигини тасдиқловчи гувоҳнома ёки ҳарбий билает шихан кўрсатилади.
Имтиҳонлар 8 июндан 14 июлгача Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети биносига компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда махсус тест синовлари йўли билан кўп бали тизим асосида ўтказилади.
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетиди ўқиш—пуллик. 1995/96 ўқув йилининг 1-семестри учун олдиндан 6000 (олти минг) сўм миқдориди, стипендиясиз пул тўлаш белгиланган.
Тест синовларининг натижаларига кўра, мандат комиссиясининг тавсиясига биноан банк муассасалари орқали нақдсиз пул ўтказиш йўли билан (ҳамийлар ҳисобидан) ёки нақд пул тўлаш йўли билан 1995 йилининг 20 августига қадар амалга оширилиши лозим.
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига талабалikka қабул қилиш рейтинг тизимида тўплаган баллар йиғиндисига кўра, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртиларига қабул қилиш давлат комиссиясининг қарорига асосан, шунингдек ўқиш учун ҳақ тўлашга тасдиқловчи молиявий ҳужжат асосида амалга оширилади.
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига бошқа мамлакатлардан, шунингдек, чет эл компаниялари, фирмалари, кўшма корхоналарини буюртмалари бўйича талабаларни ўқишга қабул қилиш контракт-шартнома асосида амалга оширилади.
Манзил: 700137, Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси-54. Тел. (3712) 67-83-03, 67-83-08.

Яна тежамкорлик хўсраси
Люминесцент лампа электр қувватини 4 баравар кам сарфлайди!
Унинг ишлаш муддати 10 баравар узоқ.
... Ва яна бир нечта маслаҳат.
Битта катта лампо-ча бир нечта кам қувватли лампо-жадан тежамлироқ.
Электр плита духовкасини овқат пишишидан олдинроқ ўчириб қўйсангиз—электр қуввати камроқ сарфланади.
Кийимни дазмоллаётганда бошқа ишларга чалғиманг, чунки дазмол энг кўп электр қуввати талаб қиладиган ускунадир.
Тежамкорлик қоидаларига сўзсиз риоя қилинг—электр ёриткичларни, телевизор, радио ва бошқа асбобларни вақтида ўчириб қўйинг.
Ўзнергоназорат.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!
"Тридцать Плюс" кичик капсулasi ёрдамида сиз оғир иш куниндан кейин ҳам осмонўпар бионинг сўнгги қаватига югуриб чиқишга қодир бўласиз.
"Тридцать Плюс" нафақат чарчокчи тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эгчиликни қайтариб, Сизни яшартиради.
Харид қилиш масаласи бўйича кўйидаги маълумот мувожабат қилинг:
"АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ
Тошкент, 700060, Мовориннаҳр кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70
Телефакс: (3712) 33-84-71
ёки Тошкентдаги сўнгги халқкорлар:
"Нис-Сино" довуғонаси: (3712) 44-24-34, 40-44-81.
"Фармед" довуғонаси: (3712) 47-98-90.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИНИНГ «ЧИНОЗ» ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ 1995 — 1996 йили учун ўқувчилар қабул қилади
Техникум ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кўйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди.
а) ветеринария фельдшерлари;
б) қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;
в) фермер-деҳқон ҳўжалиги ташкилотчилари (ташкilotчи-технолог);
з) фермер-чорва ҳўжалиги ташкилотчилари.
Биштириб чиқувчиларга қўшимча малака эгалари деан гувоҳнома берилди.
Техникумда ўқиш муддати:
1. 9-синфни битирганлар учун — 3 йил 10 ой.
2. 11-синфни битирганлар учун — 2 йил 10 ой.
Техникумга 9, 11-синф маълумотига эга бўлган ўғил-қизлар қабул қилинади.
Ўқини ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Аризалар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади.
9-синфни битирганлар учун кириш имтиҳонлари 1 августдан 15 августгача ўтказилади.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТНИ АВАЯЛАНП
Қонун-қоида ижро учун яратилади!
Электр симлар, тақсимлаш ичители, розетка, вилка, электр асбоблардаги носозликларни вақтида тузатиш.
Тағмирларни пайтида электр қувватини, албатта, ўчириб қўйинг.
Болаларнинг электр симлари яқинида варрак учиршиларига, электр чиғаноқларини розетка отиб синдиришларига йўл қўйманг.
Узилган симларга алоҳида эътибор беринг.
Узилиб, ерда ётган симга 10 метрдан яқин келманг.
Ана шу қондаларга амап қилиш— хавфсизлигингиз гаровиди!
Ўзнергоназорат.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94;
Иқтисодийет 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — К. Рихсиев. Навбатчи — Б. Остонақулов.